
9-ИЮЛЬ- ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ

“Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2022 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 9 июль - шанбага тўғри келиши муносабати билан Қурбон ҳайити байрами сифатида нишонланади. Шундай қилиб, ўзбекистонликлар иш ҳафтасининг туридан қатъи назар кетма-кет 4 кун дам олишади. - Жумладан: 9 июль - шанба, Қурбон ҳайити байрами; 10 июль - якшанба, дам олиш куни; 11 июль - душанба, Президент Фармониға мувофиқ барча ходимлар учун дам олиш куни; 12 июль - сешанба: а) беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 16 июль - шанбадан кўчирилган дам олиш куни; б) олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун қўшимча дам олиш куни.

2022-07-07 14:24:42